

---

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ  
ВА  
ТАЪЛИМ**

**3**

---

**2020**

**Тошкент**

---

# МУНДАРИЖА

## Иқтисодиёт ва таълим

3-сон  
2020

Иқтисодиёт ва таълим / 2020 № 3

Шарипов К.А.,  
Зайнутдинова У.Д.  
Давлатова Г.М.

Гайназарова З.Т.

Таджиев Т.М.

Хуррамов У.Й.

Отакўзиева З.М.

Абдувалиев А.А.

Kurbanov Kh.  
Karimov N.  
Anarqulov A.

Исраилова Д.К.  
Бердиев Г.И.  
Корабоев Н.П.  
Муминова З.А.

Ситмуратов Ш.Т.,  
Ситмуратов Т.

Норов А.Э.

Хидиров Н.Г.

Исмаилов Да.

Абдухалилова Л.Т.,  
Ахмаджонова Г.Ж.  
Турсунова М.Р.

Мухамеджанова К.А.  
Эшматов С.А.

Абдувахидов Ф.Т.,  
Кўзиев И.Н.,  
Дадабаев Ш.Х.  
Чориев И.Х.

Абдужаборова М.Т.

Рахимова Г.М.

Тошкулов А.Х.

### САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА ПРОМЫШЛЕННОСТИ

|   |    |
|---|----|
| Бенчмаркинг асосида маҳаллий автомобилсозлик саноатининг рақо-<br>батбардошлик қобилиятини ошириш.....        | 6  |
| Замонавий шароитларда тўқимачилик саноатида лизингдан фойда-<br>ланишининг ўзига хос жиҳатлари.....           | 10 |
| Повышение качества человеческого капитала как императив развития<br>промышленных компаний.....                | 15 |
| Корақалпостон Республикасида саноатни ривожлантириш истиқбол-<br>ларини прогнозлаш услублари.....             | 21 |
| Автотранспорт корхоналарида рақамли иқтисодиёт тизимини жорий<br>этиш асосида бошқарувни такомиллаштириш..... | 26 |

### РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА

|  |    |
|--|----|
| Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини баҳолаш бўйича<br>услубий ёндашувлар..... | 31 |
| Жаҳон иқтисодиётида рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш тенден-<br>циялари таҳлили.....  | 37 |

### МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПОЛИТИКА

|  |    |
|--|----|
| Zamonaliv iqtisodiy qarashlar paradigmasida filips egri chizig'ining<br>barqarorligi.....              | 43 |
| Хуфёна иқтисодиёт - глобал муаммо сифатида.....  | 47 |
| Уй хўжаликларининг даромадлари ва уларнинг иқтисодий фаоллигини<br>оширишнинг устувор ўйналишлари..... | 51 |
| Иқтисодиётнинг турли тармоқларида блокчейн технологиясидан<br>унумли фойдаланиш имкониятлари.....      | 57 |
| Корақалпостон Республикасининг иқтисодий ўсишига экзоген<br>омиллар таъсирини баҳолаш.....             | 61 |

### ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ИНОВАЦИИ И ИНВЕСТИЦИИ

|  |    |
|--|----|
| Инновацион фаолият ва унинг натижаларини тижоратлаштиришни<br>давлат томонидан юллаб-кувватлаш шартлари..... | 67 |
| Тўқимачилик корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштириш<br>манбалари таҳлили.....                        | 71 |
| Инвестиция жараёнларини молиявий бошқаришнинг ўзига хос<br>хусусиятлари.....                                 | 77 |

### МЕНЕДЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ

|   |    |
|---|----|
| Нодавлат таълим муассасаларининг маркетинг фаолиятини бошқа-<br>ришини такомиллаштириш.....                 | 84 |
| Особенности стратегического менеджмента в промышленных пред-<br>приятиях в условиях конкурентной среды..... | 88 |
| Таъминот занжирини бошқариш концепцияси.....  | 91 |
| Истеъмолчиларни сут ва сут маҳсулотлари брендига содиклигини<br>баҳолаш усууларини такомиллаштириш.....     | 94 |

### БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, АУДИТ БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ, АУДИТ

|   |     |
|---|-----|
| Товар моддий заҳиралар ҳисобининг назарий ва услубий асосларини<br>такомиллаштириш масалалари.....                | 100 |
| Аудитнинг дастлабки босқичида таҳлилий амаллардан фойдаланиш<br>масалалари.....                                   | 107 |
| Сув таъминоти корхоналарида бошқарув ҳисоби ва таҳлилини ташкил<br>этиш.....                                      | 112 |
| Асосий воситалар ҳисоби ва аудити билан боғлиқ муаммолар, уларнинг<br>халқаро стандартларга мувофиқ ечимлари..... | 117 |

### МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР ФИНАНСЫ И НАЛОГИ

|  |     |
|--|-----|
| Ўзбекистонда коронавирус пандемияси даврида қишлоқ хўжалигини<br>солиқлар воситасида рафтаглантириш..... | 122 |
|--|-----|

## МАКРОИҚТЫСОДИЙ СИЁСАТ

ридаги контрагентлар билан ишлашга доиралык ассоцянган прогнозларни ююрүп дара жадаги аниқлук билан башоратлаш, шунингдек, барча таъсир омиллар ҳисобини математик аналитик башоратлаш усууллари орқали

келгусида юзага келиши мумкин бўлған муаммоли вазиятларни олдиндан аниқлаш уларни бартараф этиш юзасидан қарорларни қабул қилиш имконияти яратилади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Singh, S., Singh, N.: *Blockchain: future of financial and cyber security*. In: 978-1-5090-5256-1/16/PP463-467 IEEE (2016)
2. Fu, D., Fang, L.: *Blockchain-based trusted computing in social network*. In: 2nd International Conference on Computer and Communications-978-1-4673-9026-2/16/IEEE (2016)
3. Xu, X., Weber, I., Staples, M., Zhu, L., Bosch, J., Bass, L., Pautasso, C., Rimbo, P.: *A taxonomy of Blockchain-based systems for architecture design*. In: International Conference on Software Architecture 978-1-5090-5729-0/17 IEEE (2017)
4. Wan, Z., Lo, D., Xia, X., Cai, L.: *Bug characteristics in Blockchain systems: a large-scale empirical study*. In: 14th International Conference on Mining Software Repositories (MSR) PP 423-424 IEEE/ACM (2017)
5. Porru, S., Pinna, A., Marchesi, M., Tonelli, R.: *Blockchain-oriented software engineering: challenges and new directions*. In: 39th IEEE International Conference on Software Engineering Companion PP169-179 IEEE/ACM (2017)
6. Halpin, H., Pieckarska, M.: *Introduction to security and privacy on the Blockchain*. In: European Symposium on Security and Privacy Workshops (EuroS&PW). pp. 1-3 IEEE (2017)
7. Ahram, T., Sargolzaei, A., Sargolzaei, S., Daniels, J., Amaba, B.: *Blockchain technology innovations*. In: 978-1-5090-1114-8/17/Technology & Engineering Management Conference (TEMSCON) IEEE (2017)
8. Bdiwi, R., de Runz, C., Faiz, S., Cherif, A.A.: *Towards a new ubiquitous learning environment based on Blockchain technology*. In: 17th International Conference on Advanced Learning Technologies PP101-102 IEEE (2017)
9. Nakasumi, M.: *Information sharing for supply chain management based on block chain technology*. In: 19th Conference on Business Informatics 2378-1971/17 PP 140-149 IEEE (2017)
10. Chen, Z., Zhu, Y.: *personal archive service system using Blockchain technology: case study, promising and challenging*. In: International Conference on AI & Mobile Services (AIMS) 978-1-5386-1999-5/17, pp. 93-99 IEEE (2017)
11. Hou, H.: *The application of Blockchain technology in E-government in China*. In: 978-1-5090-2991-4/17/IEEE (2017)
12. Li, Y., Huang, J., Qin, S., Wang, R.: *Big data model of security sharing based on Blockchain*. In: 3rd International Conference on Big Data Computing and Communications 978-1-5386-3349-6/17, pp. 117-121 IEEE (2017)
13. <https://www.tractica.com/events/blockchain-live-2019/>
14. Hou H.: *The application of Blockchain technology in E-government in China*. In: 978-1-5090-2991-4/17/IEEE (2017).

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ИҚТЫСОДИЙ ЎСИШИГА ЭКЗОГЕН ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

**Ситмуратов Шухрат Тенгелович –  
Тошкент давлат аграр университети  
Нукус филиали ассистенти  
Ситмуратов Тенгел –  
Бердахномидаги Қорақалпоқ давлат  
университети доценти**

**Аннотация.** Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий ўсишига экзоген омиллар таъсирини баҳолаш зарурятни асосланган. Иқтисодий ўсишига таъсир этувчи экзоген омилларнинг ЯҲМ хажмини ўсишига таъсирни статистик таълиллар асосида баҳоланган. Олинган натижаларга асослануб, минтақани инновацион ривожлантиришга қартилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий ўсиш, экзоген омиллар, эндоген омиллар, Солов модельи, инновация, инвестиция, иқтисодий ўсиш моделлари.

**Аннотация.** Статья основана на необходимости оценки влияния внешних факторов на экономический рост в Республике Каракалпакстан. Влияние внешних факторов на экономический рост прироста ВРП оценивалось на основе статистического анализа. На основании полученных результатов разработаны предложения и рекомендации по инновационному развитию региона.

**Ключевые слова:** экономический рост, экзогенные факторы, эндогенные факторы, модель Солова, инновации, инвестиции, модели экономического роста.

**Annotation.** The article is based on the need to assess the impact of exogenous factors on economic growth in the Republic of Karakalpakstan. The impact of exogenous factors on economic growth in GRP growth was assessed on the basis of statistical analysis. Based on the results, proposals and recommendations for innovative development of the region have been developed.

**Keywords:** economic growth, exogenous factors, endogenous factors, Solov model, innovation, investment, models of economic growth.

## МАКРОИҚТІСОДИЙ СИЁСАТ

Үсиш - бу мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини ифодаловчи күрсаткичdir. Хар қандай мамлакат учун иқтисодий үсиш зарурдир. Иқтисодий үсиш мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласди, инновацияларга асосланган иқтисодиётни ривожлантиришнинг бирламчи омили, фан-техника ва институционал ривожланишининг асосий натижасидир. Иқтисодий үсишга миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш орқали эришилади.

Ўзбекистонда макроиқтисодий муаммоларни ечишда иқтисодий үсишининг экзоген тизими моделиларини танлаш ва улардан фойдаланиш муаммоси долзарб аҳамият касб этади. Шу билан бирга, иқтисодий үсиш - барча назарий иқтисодчилар илмий мактаблари томонидан ўрганилган мураккаб, кўп қиррали ҳодисадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлиста мурожаатномасида 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалар сифатида "макроиқтисодий барқарорликни тъминлаш ва инфляцияни жиловлаш - иқтисодий ислоҳотлар жараёндаги бош вазифа..." сифатида белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни ҳал этишда "инфляциявий таргетлаш тизимини жорий қилиш", "соғлом рақобатни тъминлаш орқали нархларни пасайтириш", "иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш", "бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш", "яширин иқтисодиёт"нинг вужудга келиш омилларини чукур таҳлил қилиб, унга қарши курашиб дастурини бегилаш кабилар асосий йўналишлар сифатида белгилаб берилди.[1]

Иқтисодий үсишининг экзоген ёки эндоген модельларини танлаш муаммоси эса ҳозирги вақтда иқтисодий үсиш назарияларининг марказий муаммоларидан бири. Сўнгги пайтларда иқтисодий үсиш назарияси иқтисодий назариянинг алоҳида, нисбатан ажратилган қисмига айланди. Шунга қарамай, ушбу ҳодисани якуний талқин қилиш ва аниқ ҳуносалар чиқатиши учун ҳали тўлиқ эмас. Демак, ҳар бир мамлакат сиёсатчиларининг олдинги тараққиётни келтириб чиқарувчи омилларини англаб етган ҳолда иқтисодий үсишни чеклайдиган омиллар йўқ қилиш ва келажакда ривожланиш учун иқтисодий қонуниятлардан тўғри фойдаланиш асосий

мақсад бўлиши керак. Ушбу холатлар иқтисодиётни экзоген ва эндоген үсиш моделларидан фойдаланиш бўйича самарали механизmlарни ишлаб чиқиши долзарблashiриди.

**Адабиётлар таҳлили.** Иқтисодий үсиш назариясининг иқтисодий фаннинг алоҳида бўлими сифатида XIX асрнинг бошларида шаклланганлигига қарамасдан, кўплаб фундаментал ғоялар бундан анча олдинрок билдирилган эди. Замонавий үсиш назариясининг ривожланишини тарихий ва иқтисодий таҳлил қилиш учун, сиёсий ғоялар XX аср олимлари учун бошланғич нуқтаси бўлган классик сиёсий мактаб вакилларининг асосий хисса қўшганлар.

Иқтисодиётнинг экзоген ва эндоген үсиш назариялари омилли таҳлилларни таълаб этади. Экзоген үсиш назарияси мамлакат иқтисодиётида мувозанатли үсиш имкониятларини белгилаш[2] ҳамда узоқ муддатли иқтисодий үсишни белгиловчи омилларни топишга ёрдам беради[3].

Жаҳон иқтисодитчи олимлари томонидан олиб борилган аксарият тадқиқотларда иқтисодий үсишга аҳоли жон бошига тўри келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича омилларга нисбатан аниқлаш бўйича ёндашуввларга асосий эътибор қаратишади[4].

Иқтисодий үсишининг экзоген технология тараққиёт омилининг мавжудлиги мамлакатда аҳоли жон бошига даромаднинг үсишини давом эттиришга имкон берсада, үсиш сабаблари тўғрисида маълумот бермайди. Шундай иқтисодий үсиш сиёсати, ўз моҳиятини йўқотади, чунки экзоген характеристика эга бўлган асосий үсиш омили давлат сиёсатига таъсир қила олмайдиган. Солов назарияларига кўра иқтисодий үсишининг ички омилларни (хусусан, бюджет ва солиқ механизmlарни) ўзгартириб, давлат иқтисодий үсиш суръатларига узоқ муддатли үсиш имкониятларини тъминлай олмайди.

Ромер технологияларни "эндоген", иқтисодий тизимнинг марказий қисми ва үсишининг асосий омили деб билади. Унинг фикрига кўра, ҳар қандай технологик ютуқ тасодифий кўринишда бўлса-да, умуман олганда иқтисодиёт технологияларга сарфланган маблағларга тўғридан-тўғри мутаносиб равишда ривожланишини иқтисодий үсиш моделлари орқали аниқлади. Соловнинг фикрига кўра, технология "экзоген", яъни тасодифий бўлиб, ўзи шунчаки осмондан тушганга ўхшайди[5].

## МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

Мамлакатимиз олимлари Н.М. Махмудов, Ҳ.А. Ҳакимовлар томонидан эндоген ўсишнинг янги назарияларини 4 та гурухга ажратган ҳолда таснифлайдилар, жумладан, иқтисодий ўсишнинг янги кейинча назариялари, иқтисодий ўсишнинг янги классик назариялари, иқтисодий ўсишнинг эмпирик назариялари, эндоген ўсишнинг янги назариялари[6].

Илмий манбаълар ва олиб борилган эмпирик тадқиқотлардан маълум бўладики, экзоген ўсишнинг барча муҳим моделларини ўрганмасдан туриб, барқарор ўсишина тъминлаш имконияти мавжуд эмас. Бу борадаги умумий хуослар кўйидаги олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз исботини топган: Harrod[7] ва Domar[8], Solow[9], Swan[10], Barro[11] (1996), Alhassan[2] ва бошқалар.

Умуман олганда сўнгига йилларда амалга оширилаётган республикамиздаги янги иқтисодий тизимларнинг вужудга келиши экзоген тизимли моделлар асосида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини таъминловчи омилларни баҳолашни тақозо этмоқда.

**Методология.** Минтақадаги иқтисодий ўсиш муаммоларига эътиборнинг кучайиши, бир томондан, уларнинг иқтисодий ривожланишидаги худудий номутаносибликни тенглаштириш зарурати, иккинчи томондан, макроиқтисодий ва минтақавий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги билан изоҳланади: минтақавий даражадаги ўзгаришлар баъзан макроиқтисодий даражада кутилмаган оқи-

батларга олиб келади ва иқтисодий ўсиш тенденциясини тубдан ўзгартиради.

Илмий назарий ёндашувларни инобатга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий ўсиш моделини қуриш учун рус олимлари[13] томонидан тавсия этилган экзоген ўсиш омилларини тартиблаштириш методологиясига асосланаб[14], иқтисодий ўсишнинг моделларини қуриш мумкин. Иқтисодий ўсишни ифодаловчи асосий боғлиқ ўзгарувчи сифатида ялпи худудий маҳсулоти (ЯХМ) ва ташқи савдо айланмасининг вақт бўйича аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш кўрсаткичлардан фойдаланилади. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи мустақил ўзгарувчилар кўйидаги эндоген омилларни моделга киритилиади:

Технологик инновацияларга харажатлар:

- Асосий капиталга инвестициялар;
- Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар;
- Омиллар бўйича статистика SPSS пакет дастури асосида регрессия тенгламалари олинади.

**Таҳлил ва натижалар.** Қорақалпоғистон Республикасида ноқуладай экологик шароитга қарамасдан макроиқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ислоҳотларни амалга ошириш ижобий тенденцияларга эга. Минтақада иқтисодий ўсиш суръатлари 2005-2017 йилларда (3,0 марта) умуммамлакат кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлган[14].

### 1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси

|   | Белги          | 2008  | 2009  | 2010   | 2011   | 2012  | 2013   | 2014   | 2015   | 2016    | 2017    | 2018    | 2019    |
|---|----------------|-------|-------|--------|--------|-------|--------|--------|--------|---------|---------|---------|---------|
| Аҳоли жон бошига ЯХМ, минг сўм  | У              | 857,0 | 917,2 | 1214,7 | 1539,2 | 1942  | 2335,4 | 2870,9 | 3504,1 | 4453,8  | 5597,6  | 8086,9  | 9944,1  |
| Аҳоли жон бошига инновацияларга ишга берадиган инвестициялар, минг сўм. | X <sub>1</sub> | 1,19  | 0,99  | 2,33   | 4,05   | 7,27  | 13,03  | 23,90  | 104,76 | 1092,68 | 1383,22 | 6106,28 | 5281,31 |
| Аҳоли жон бошига жалб қилинган инвестициялар, минг сўм                  | X <sub>2</sub> | 525,2 | 403,8 | 280,9  | 529,8  | 690,5 | 1400,7 | 2280,6 | 3388,2 | 2094,0  | 1542,2  | 3641,1  | 3736,5  |
| Аҳоли жон бошига тўғридан тўғри хорижий инвестициялар, минг сўм.        | X <sub>3</sub> | 69,1  | 36,1  | 38,5   | 78,1   | 210,2 | 430,3  | 1089,8 | 1644,7 | 939,9   | 31,0    | 241,2   | 851,3   |
| Аҳоли жон бошига экспорт, АҚШ доллар                                    | X <sub>4</sub> | 65,1  | 58,1  | 60,2   | 63,1   | 67,3  | 66,9   | 65,4   | 54,1   | 239,1   | 254,4   | 247,5   | 234,4   |

*Манба: Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.*

Қорақалпоғистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича 2008-2019 йилларда бир қатор ижобий силжишлар

юз берди. Жумладан, ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуси 14,2 фоиздан 26,7 фоизга ошган бўлса, қишлоқ хўжалигининг улуси

## МАКРОИҚТЫСОДИЙ СИЕСАТ

30,1 фоиздан 19,2 фоизга камайган. Қарақалпоғистон Республикасида ишлаб чықарылган ички худудий маңсулоти 2008-2019 йилларда иилига ўртача 7,8 фоиздан ўсан ва ахоли жон бошига ҳам ушбу тенденцияни күзатиш мүмкін.

Қарақалпоғистон Республикасида иқтисодий үсиш бүйича танланган экзоген омылларни ЯХМ хамининг үсишига таъсирини регрессия функциясыннан энг кичик квадратлар усули орқали SPSS дастурий пакети-

дан фойдаланган ҳолда олинган модел натижалари 2-жадвалда, сататиск ахамиятлык мөзьонлари бўйича тест натижалари 1-жадвалда акс этган.

Қарақалпоғистон Республикасида иқтисодий үсишига таъсир этувчи экзогент ўзгарувчи сифатида танланган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларсиз хисобланди. Бунинг асосий сабаби жами инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар саломининг мавжудлигидир.

2-жадвал

| Модел натижалари <sup>b</sup> |                    |           |                             |                           |
|-------------------------------|--------------------|-----------|-----------------------------|---------------------------|
| Модель                        | R                  | R-квадрат | Скорректированный R-квадрат | Стандартная ошибка оценки |
| 1                             | 0,977 <sup>a</sup> | 0,955     | 0,938                       | 728,56                    |

Экзоген омыллар: (константа), экспорт, инвестициялар, инновация харажатлари  
Боғлиқ ўзгарувчи: Ахоли жон бошига ЯХМ

*Манба:* Қарақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Танланган экзоген омылларнинг ялпи худудий маңсулотнинг үсишига таъсир этувчи омыллар бўйича 2008-2019 йиллар бўйича танланган статистика бўйича детерминация

$R^2=0,955$  коэффициентни қабул қилиши, танланган омыллар ўзаро кучли боғланишда эканлигини ва омылларнинг таъсирини ўлчаш мумкинлигидан далолат беради.

3-жадвал

### Қарақалпоғистон Республикасида иқтисодий үсиш бўйича танланган экзоген омыллар таъсирини баҳолаш бўйича модел натижалари

| Модель                | Стандартлашмаган коэффициентлар |                  | Бета  | t     | Кўрсаткич |
|-----------------------|---------------------------------|------------------|-------|-------|-----------|
|                       | B                               | Стандарт хатолик |       |       |           |
| 1 (Константа)         | 218,659                         | 502,999          |       | 0,435 | 0,675     |
| Инновация харажатлари | 0,527                           | 0,192            | 0,390 | 2,750 | 0,025     |
| Инвестициялар         | 0,822                           | 0,246            | 0,367 | 3,340 | 0,010     |
| Экспорт               | 11,108                          | 3,851            | 0,339 | 2,884 | 0,020     |

a. Боглиқ ўзгарувчи: ахоли жон бошига ЯХМ

Асосий олинган модел натижалари 2-жадвалда акс этган бўлиб, Қарақалпоғистон Республикасида ахоли жон бошига инновацияларга қилинган минг сўмлик харажат хисобига ахоли жон бошига ЯХМ ҳажми 0,52 минг сўмга ошар экан. Шунингдек, ахоли жон бошига киритилган минг сўмлик инвестиция хисобига ЯХМ ҳажми 0,82 минг сўмга ошиши кузатилмоқда. Қарақалпоғистон Республикасида иқтисодий үсиши таъминловчи асосий омил экспорт хисобланиб, ахоли жон бошига қилинган минг сўм экспорт хисобига ЯХМ ҳажми 11,1 минг сўмга ошиши аниқланди. Ушбу ҳолатлардан маълум бўлмоқдаки,

Қарақалпоғистон Республикасида иқтисодий үсиш асосан экспорт ҳажми билан боғлиқ экан. Республика экспортининг таркибига назар ташланганда 2019 йилда қарийб 77 фоизи[16] кимё маңсулотлари ва ундан тайёрланган буюмларни ташкил этган. Ушбу ҳолат Қарақалпоғистон Республикасининг иқтисодий үсиши кўпроқ хом-ашё экспортига таянган деган хulosани беради.

Экзоген омил сифатида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг иқтисодий үсишига таъсирини баҳолаш бўйича олинган модел натижалари 3-жадвалда келтирилган.

## МАКРОИҚТЫСОДИЙ СИЁСАТ

3-жадвал

### Қарақолпогистон Республикасида иқтисодий ўсиш бүйича танланган экзоген омиллар таъсирини баҳолаш бүйича модел натижалари

| Модель        | Стандартлашмаган коэффициентлар      |                  | Стандартлаштан коэффициентлар | Стандартлашмаган коэффициентлар | Кұрсаткыч |
|---------------|--------------------------------------|------------------|-------------------------------|---------------------------------|-----------|
|               | B                                    | Стандарт хатолик | B                             |                                 |           |
| 1 (Константа) | 552,155                              | 463,959          |                               | 1,190                           | 0,268     |
|               | Инновация харажатлари                | 0,862            | 0,162                         | 5,308                           | 0,001     |
|               | Тұғридан-тұғри хорижий инвестициялар | 1,354            | 0,421                         | 0,246                           | 0,012     |
|               | Экспорт                              | 11,445           | 3,939                         | 0,349                           | 0,020     |

а. Боглиқ ұзгаруучи: Ахоли жон бошига ЯХМ

3-жадвал маълумотларидан аниқланадиқи ахоли жон бошига қарастырылған ҳар минг сүмлик тұғридан-тұғри хорижий инвестиция хисобига ЯХМ ұжымы 1,354 минг сүмга ошиши күзатылмоқда, танланган статистика бүйича детерминация коэффициентининг  $R^2 = 0,976$  коэффициентни қабул қылды. Ушбу холат Қарақолпогистон Республикасыннан иқтисодий ўсиши ички инвестицияларга нисбатан хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири юқори эканлығы тасдиқлайды.

**Хулоса ва тавсиялар.** Тахлил натижаларидан хулоса қылғанда, ўсиш назарияларини асосан иккى ёндашувда қабул қилиш лозим. Бириңчиси, иқтисодий ўсиш жараәни, уннинг манбалари ва асосий омиллари ҳақида турли ёндашувларни ишлаб чиқиши. Бунда асосан, иқтисодиёт соҳасида илмий мактаблар тоғыларини ва иқтисодий фан соҳалари вакилларининг фикрларини таҳлил қилиш ва тушуниш орқали олиш мүмкін. Иккинчиси, иқтисодий ўсиш назариялари асосида ҳар бир мамлакат учун ўзига хос бўлган моделларни яратишни назарда тутувчи ёндашув.

Қарақолпогистон Республикасини иқтисодий ўсишга экзоген омиллар таъсирини баҳолаш бүйича олиб борилған тахлил натижалари бизга худудни ривожланиши фақат ҳом-аше экспортига таяниб қолғанлигини аниқлаш имконини берди. Ўз навбатида танланган яна иккى омил инновация ҳамда инвестициялар иқтисодий ўсиш имкониятларини таъминлашдаги ўрни деярли сезилмаган. Ушбу холатларни инобатта олган ҳолда республикада иқтисодий ўсишни таъминлашда күйидаги экзоген омиллар таъсирини ошириши бүйича мақсадли стратегик дастурлар ишлаб чиқиш тавсия этилади:

Минтақага жалғал этилаётган инвестициялар самараси иқтисодий ўсишга нисбатан

(истиқболдаги инвестицион қайтимни ҳисобга олмаганда) юқори таъсиричан эмаслиги, инвестицион сиёсатда мавжуд табиий, экологик, демографик омилларга тизимли зытиборнинг йүқлиги жалб қилинган инвестициялардан самаrasиз фойдаланилаётганин акс эттирмоқда. Ушбу ҳолатни инобатта олган ҳолда минтақада инвестицияларни самара келтирувчи тармоқларга йўналтириш устувор йўналиш сифатида қаралиши лозим.

Минтақада амалга оширилаётган ва инновациялар учун сарфланаётган маблағлар ҳам иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ўрни юқори эмаслиги тадқиқотда аниқланди. Республикада амалга оширилатёган инновацияларнинг аксарияти технологик инновациялар бўлиб, инновациялар учун ажратилаётган маблағларни жараёнлар ва маркетинг инновацияларига йўналтириш тавсия этилади. Тадбиркорлик омили минтақа рақобатбардошлиги ва миллий инновацион тизимлар мухим омили сифатида қаралади. Татьлим, фан ва технологияларни ривожлантариш, инновацион ўсиш учун қулаги институционал шароитларни яратиш устувор йўналиш сифатида қаралиши лозим.

Минтақанинг иқтисодий ўсиши, бириңчи навбатда, инсон ва интеллектуал капитални стратегик ресурслар сифатида тан олиш, шунингдек, иқтисодий мақсадларда улардан самарави фойдаланиш асоси стратегик йўналиш сифатида қаралиши лозим.

Юқорида айтилғанларнинг барчаси инновацион тизимни шакллантиришда мутлақо янги назарий ва услугий ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини асослайди. Иқтисодий ўсишнинг экзоген омили сифатида жаҳон интеллектуал мулки ва ахборот тизимларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ҳам иқтисодий ўсишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

## МАКРОИҚТЫСОДИЙ СИЕСАТ

Манба да адабиёттар рүйхаты:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисса Мурожаатномаси. 25.01.2020. <https://aza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
2. Chirwa, T. and N.M. Odhiambo, 2019. An empirical test of exogenous growth models: Evidence from three Southern African Countries. *Economic AnnalsEkonomski Analı*, 64(220): 7-38. Available at: <https://doi.org/10.2298/eka1920007c>.
3. Barro, R.J., 1996. Determinants of economic growth: A cross-country empirical study (No. w5698). National Bureau of Economic Research.
4. Snowdon, B. and H.R. Vane, 2005. Modern macroeconomics: Its origins, development and current state. Edward Elgar Publishing
5. Imrul Hossain. Extended exogenous growth model: application and investigation the long-term growth determinants of bangladesh. *Asian Economic and Financial Review*, 2020, 10(1): 35-53.
6. Махмудов Н.М., Ҳакимов Ҳ.А. Иқтисодий ўсуш моделлари ва улардан макроиқтисодий таҳлилда фойдаланиш йўналишлари. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2016, 3.
7. Harrod, R.F., 1939. An essay in dynamic theory. *The Economic Journal*, 49(193): 14-33. Available at: <https://doi.org/10.2307/2225181>.
8. Domar, E.D., 1946. Capital expansion, rate of growth, and employment. *Econometrica*, 14(2): 137-147. Available at: <https://doi.org/10.2307/1905364>
9. Solow, R.M., 1956. A contribution to the theory of economic growth. *The Quarterly Journal of Economics*, 70(1): 65-94.
10. Swan T.W., 1956. Economic growth and capital accumulation. *Economic Record*, 32(2): 334-361.
11. Barro R.J., 2002. Education as a determinant of economic growth. In: Lazear EP Education in the Twenty-First Century. Hoover Institution Press. pp: 9-24.
12. Alhassan H., Donkoh S.A. and Asante Y. 2012. The determinants of long-term economic growth in Ghana from 1960-2007. *Journal of Research in Economics and International Finance*, 1(5): 141-149
13. Макаров В. Л., Айвазян П. Т., Борисов С. В., Лакалин Е. А. Эконометрическая модель российской экономики для краткосрочного прогноза и сценарного анализа. М.: ЦЭМИ РАН, 2001;
14. Гичиев Н.С. Внешние и внутренние факторы экономического роста в субъектах Северо-Кавказского федерального округа. Стратегия развития региона. 46 (277) – 2012.
15. Маденова Э. Қарағалпогистон Республикаси иқтисодиётини ривожланиши тенденциялари ва тизимли муаммолари. "BIZNES - ЭКСПЕРТ". 30.09.2018 | Номер №9(129)-2018. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/61221-qoraqalpogiston-rspublikasi-iqtisodiyotini-rivojlanish-tendentsiyalari-va-tizimli-muammollar>
16. <http://www.qrstat.uz/images/doklad/2019/sirtqi-ekonomika/yanvar-dekabr-uz.pdf>